


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • http://xs.uz • E-mail: Info@xs.uz • 2014 йил 13 февраль, № 31 (5961) Пайшанба


Янгиликлар, воқеалар, **хабарлар**

■ *Ховос туманидаги “Буғдой дон РИА” масъулияти чекланган жамияти томонидан ишлаб чиқарилаётган макарон маҳсулотлари савдо пештахталаридаги турдошларидан қарийб икки баробар арзон.*

## Юксалишнинг икки омили

Бунинг омили хом ашё сифатида “Ховосдон” очиқ акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган ундан фойдаланилаётганидир. Шунингдек, корхонада тежамкор технология жорий этилгани тайёр маҳсулотга кетадиган харажатнинг сезиларли даражада камайишини таъминламоқда.

Кунлик ишлаб чиқариш қуввати бир тоннагача бўлган мазкур корхонада шу кунгача уч турдаги макарон тайёрлаш ўзлаштирилди.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

■ *Бухоро шаҳрилик тадбиркор Лайло Равшанова ташаббуси билан ташкил этилган “Севинч текс сервис” масъулияти чекланган жамиятида йилига 200 минг погон метр бўз тайёрлаш қувватига эга технологик линия ишга туширилди.*

## Ўз номига муносиб

— Корхонамизга ном танлаш чоғида “Севинч” сўзи устида тўхталгандик, — дейди тадбиркор. — Бу билан ишчиларимиз қалбига қувонч, уйларига эса қут-барака кирсин, деган ниятни кўнгилга туккан эдик. Қаранг, “Яхши ният — ярим давлат” деганларича бор экан. Қисқа муддат ичида енгил саноат бозорида ўз ўрнимизга эга бўлдик. Яқинда эса топган даромадимизга банк томонидан берилган 103 миллион сўмлик кредитни қўшиб, фаолиятимизни кенгайтирдик. Энди даромадимиз янада кўпаяди. Бундан жамоамиз аъзолари ҳам хурсанд.

Эътиборли жиҳати, ўтган йили вилоят тижорат банклари томонидан “Севинч текс сервис” каби кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш учун жами 314,9 миллиард сўмлик кредит маблағлари ажратилди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

■ *“Кегейли Агротехсервис машина-трактор парки” масъулияти чекланган жамияти қошида ўсимлик қолдиқларидан брикет тайёрлаш йўлга қўйилди.*

## Брикет тайёрлаш йўлга қўйилди

— Германия халқаро ҳамкорлик жамияти лойиҳаси асосида ўзлаштирилган ушбу технология учун 50 минг АҚШ долларилик сармоя сарфладик, — дейди корхона мутасаддиси Муродбой Ниёзов. — Натижада хориждан келтирилган ускуналар ёрдамида соатига 350 килограммгача ўсимлик қолдиқлари майдаланиб, прессланган брикет, яъни ёқилғи тайёрлаш имконияти юзага келди. Бу билан кўча-кўйда ёқиб юбориладиган шох-шабба, хазонлар, далада қолиб кетадиган ғўзапоянинг беҳуда исроф бўлишига барҳам берилди.

Таъкидлаш ўринлики, мазкур маҳсулот иссиқхоналарни иситишда ҳам қўл келади.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

■ *Урганч шаҳридаги “Амирбек бетон сервис” шўъба корхонасига ҳамкорлик қилиш мақсадида хориждан мутахассислар келишди.*

## Хориждан таклиф

Гап шундаки, бу ерда 690 минг АҚШ доллари миқдоридаги банк кредити эвазига янги технология билан жиҳозланган металл қуйиш цехи ҳамда бир вақтнинг ўзида 7 тонна темирни эритадиган 4 та печ ишга туширилди. Шунингдек, 1 миллиард 420 миллион сўм эвазига ишлаб чиқаришни электр энергияси ва газ билан таъминлаш ҳам йўлга қўйилди.

Айтиш жоизки, бундан икки йил олдин корхонада 40 нафар ишчи-мутахассис билан етти турдаги темирбетон конструкциялар тайёрлана бошланганди. Янги қувват фойдаланишга топширилгач, жамоага яна 70 киши қўшилди. Бинобарин, қишлоқ хўжалиги техникалари ҳамда сув қувурлари учун эҳтиёт қисмлар, арматура, канализация люклари, алебастр ва цемент заводлари учун темир шарлар каби 6 турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Муҳими, бу орқали маҳсулотлар таннархи 12 фоиз арзонлашадиган бўлди. Агар корхона келгусида вилоятда тўпланадиган металл хом ашёси билан таъминланса, таннарх 35 фоизгача пасаяди.

Тез кунларда бу ерда қиймати 55 минг АҚШ долларилик, суюқ бетон тайёрлашга мўлжалланган янги технологик линияни фойдаланишга топшириш ва яна 17 кишини иш билан таъминлаш режалаштирилган.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

■ ЭЪТИРОФ

*Ўзбекистонда ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотлар ва уларнинг натижаларига дунёнинг кўпгина давлатларида бўлгани сингари Ҳиндистонда ҳам қизиқиш катта.*
*Ушбу мамлакатнинг маданий-гуманитар доиралари вакиллари ҳамда спорт соҳаси мутахассислари Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 2013 йилда амалга оширилган ишлар юзасидан билдирган фикр-мулоҳазалар буни яққол тасдиқлайди.*

# Келажакка сармоя

— Мен дунёнинг қатор мамлакатларида спортнинг муайян турлари бўйича фаолият юритадиган жамғармалар борлигидан хабардорман. Бироқ Ўзбекистонда болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор алоҳида диққатга сазовордир, — дейди **Ҳиндистон енгил атлетика федерацияси маҳаллий мусобақалар департаментининг директори Равиндер Шарма**. — Бундай жамғарма мамлакат раҳбарининг бевосита ташаббуси билан ташкил этилгани ва унинг Ҳомийлик кенгашига Президентнинг ўзи раислик қилиши ҳам Ўзбекистонда болалар спорти ривожига муносабат қай даражада юқори эканлигини кўрсатади.

Мен ўзбекистонлик ёш спортчиларнинг нималарга қодирлигини ўтган йилнинг июлида Пуна шаҳрида енгил атлетика бўйича бўлиб ўтган Осиё чемпионатида кўрган эдим. Ўшанда Ўзбекистон жамоаси дунёнинг 43 мамлакатидан келган минг нафардан зиёд спортчилар орасида ўзларининг чаққонликлари ва тиришқоқликлари билан эътибор қозониб, фахрли учинчи ўринни эгаллашганди. Ўйлаб қарасам, ўша йигит-қизлар қўлга киритган муваффақиятлар Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолияти доирасида амалга оширилган саъй-ҳаракатлар натижаси экан. Дарҳақиқат, баркамол авлод тарбияси — келажак учун муносиб сармоядир.

Яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида Президент Ислом Каримов томонидан диққатга молик маълумотлар келтириб ўтилди. 2013 йилда бу соҳада олиб борилган ишлар сарҳисоби ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди, деб ўйлайман.

(Давоми 2-бетда).

# АКТ ва замонавий хизматлар

*Бугунги глобаллашув даври барча соҳа, айниқса, ахборот-коммуникация тармоқларини ривожлантириш, уни замон талаблари даражасида такомиллаштириб боришни тақозо этмоқда. Президентимиз мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида ҳам бу борадаги ишларга алоҳида тўхталдилар.*

■ ИСЛОҲОТ

Ҳозирги кунда Оролбўйи минтақаси аҳолиси ҳам турли компаниялар томонидан кўрсатилаётган шундай замонавий алоқа хизматлари, хусусан, телефон, телеграф, интернет, IPTV имкониятларидан баҳраманд бўлаётир. Бунда кейинги йилларда ҳудудда телекоммуникация тармоқларини модернизациялаш ва кенгайтириш доирасида янги NGN технологияси асосида Нукус шаҳрида учта, Нукус тумани телекоммуникация тармоғида бир дона, жами 4864 рақамли “MSAN” ускуналари ишга туширилгани, айниқса, қўл келди. Бинобарин, ўтган даврда Нукус шаҳри аҳолисига IP-телевидение, юқори тезликдаги интернет хизматлари кўрсатиш мақсадида кўп қаватли уйларга 8 километрлик оптик толали алоқа кабеллари ётқизилди. Пировардида замонавий рақамли тизимга маълумотлар узатиш, сифатли алоқа тармоғи, телевидение ва интернетдан фойдаланишда бир қатор қулайликлар яратилди.

Бундан ташқари, мамлакатимизда биринчилар қаторида Шуманай, Қўнғирот, Мўйноқ телефон станциялари ҳамда Жаслиқ, Жанубий Устюрт, Қорақалпоғистон шаҳарчаларида “MPEG-2/4” рақамли декодерлар ишга туширилди. Натижада мазкур ҳудудларда яшовчи аҳоли юртимиз миллий телерадиокомпанияси таркибидаги телерадиоканаллар дастурларини юқори сифатда томоша қилиш ҳамда тинглаш имкониятига эга бўлди. “Нукус — Қўнғирот — Бейнов” халқаро магистраль оптик алоқа кабель тармоқларини захиралаш мақсадида Мўйноқ тумани ва Жанубий Устюрт шаҳарчаси оралиғида 82,4 километрлик, Қозонкетган шаҳарчаси ва Қўнғирот тумани оралиғида эса 58 километрлик оптик толали алоқа тармоқлари ишга туширилди.

(Давоми 2-бетда).

# САЙҚАЛ ТОПАЁТГАН ИСТЕЪДОД



*Юртимизда барча соҳаларда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар, туб ўзгариш ва янгиланишлар замирида Ватанимиз ободлиги ҳамда халқимиз турмуш фаровонлигини таъминлаш билан бир қаторда, ёш авлодни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва маънавий салоҳиятини юксалтиришдек улуғвор мақсадлар мужассам.*

■ ҚАРОР ВА ИЖРО

Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги “Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009 — 2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида”ги қарори бу борада дастуриламал ҳужжат бўлиб хизмат қилмоқда.

Мазкур қарорга асосан, Жиззах вилоятида 17 та болалар мусиқа ва санъат мактаби халқ таълими бошқармаси тасаррруфига ўтказилди. Шунингдек, 14 та шундай таълим муассасаси қурилиши бўйича 2009 — 2014 йилларга мўлжалланган ҳудудий дастур ишлаб чиқилди. Ўтган даврда улардан 9 таси янгидан бунёд этилган бўлса, 3 таси капитал реконструкция қилинди.

Вилоят марказидаги 1-сонли мусиқа ва санъат мактаби шулар жумласидан. 2010 йилда қад ростлаган, лойиҳа қиймати 1,7 миллиард сўмга тенг бўлган мазкур муассаса замонавий талабларга жавоб берадиган ва барча қулайликка эга маънавият маскани сифатида алоҳида эътироф этилади.

(Давоми 4-бетда).

■ ҲАМКОРЛИК

*Кейинги йилларда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг эркин фаолият юритишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.*

## Сифат бошқаруви тизимлари

тадбиркорлар фаолиятини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади

Бунда Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 19 июндаги “Республика корхоналарида халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этишни кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори дастуриламал бўлмоқда. Чунки мазкур ҳужжатда ишлаб чиқариш жараёнида замонавий бошқарув ва иш услубларини жорий этишга қаратилган бир қатор вазифалар белгилаб берилган.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ)нинг “Марказий Осиёда ҳудудий иқтисодий ҳамкорликка кўмаклашиш” лойиҳаси билан биргаликда амалга оширилаётган “Ўзбекистонда замонавий ишлаб чиқариш бошқарув усулларини татбиқ қилиш ва ривожлантириш — Кайдзен/Тежамкор ишлаб чиқариш дастури” ана шу вазифалар ижросига йўналтирилган ишлардан биридир.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

**2013 йилда мамлакатимиз иқтисодиётининг реал секторига ажратилган кредитларнинг ялпи ҳажми**

**30** **фоиз ошди.**

Молиявий хизматлар бозорини ислоҳ этиш ва ривожлантиришга қаратилган изчил ислоҳотлар тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш, пировардида улар кўрсатаётган хизматлар сифатини яхшилаб, кўламини кенгайтириш имконини бергани туфайли соҳада ана шундай ижобий натижага эришилди.

# Бошланғич ташкилотлар фаолияти таҳлил қилинди

*Хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маънавий ҳаётида тўлақонли иштирок этишларини таъминлаш, маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли саъй-ҳаракатлар натижасида бугунги кунда аёлларнинг оиладаги, жамиятдаги ўрни ва нуфузи тобора юксалиб бормоқда.*

СЕМИНАР

Албатта, бунда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг жойлардаги бўлимлари ва тузилмалари билан бирга, аёллар манфаатларини муҳофаза қилишга қаратилган кўп қиррали фаолияти муҳим ўрин тутмоқда. Айниқса, мазкур тизимдаги 41 мингга яқин бошланғич ташкилотлар аёлларга оид давлат сиёсатини кенг жамоатчиликка етказишда фаоллик кўрсатиб келаётгани эътиборга молик.

"Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акциядорлик темир йўл компанияси томонидан ўтказилган ўқув-семинарда шулар хусусида сўз юритилди. Унда бир қатор вазирлик, идора, қўмита ва йирик корхоналарнинг ҳамда темир йўл тизимидаги корхона ва ташкилотларнинг хотин-қизлар қўмиталари бошланғич ташкилотлари раислари қатнашди.

Семинарда темир йўл соҳасида фаолият юритаётган хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш, оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, соғлиғини ҳимоя қилиш ва саломатликни мустаҳкамлаш, болали аёлларнинг ишлашлари учун зарур шарт-шароит яратиш борасида аниқ чора-тадбирлар рўёбга чиқарилаётгани таъкидланди. Хусусан, 2013 йилда 4076 оилага 627 млн. сўмлик моддий ёрдамлар кўрсатилган. Шунингдек, тизимдаги 31 корхона ва ташкилотда меҳнат қилаётган 107 нафар болали аёлнинг иш вақти ойлик маоши сақланган ҳолда ҳафтасига 35 соатдан оширмайдиган қилиб белгиланган.

— Ҳозир темир йўл тизимида 70 минг нафарга яқин темир йўлчилар хизмат қилмоқда, — дейди "Ўзбекистон темир йўллари" ДАТК хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилоти раиси Раъно Рустамбекова. — Уларнинг 14 минг 170 нафардан ортиғи хотин-қизлардир. Фаолиятимиз давомида асосий эътиборни темир йўлчи аёлларнинг меҳнатини қадрлаш ва муносиб рағбатлантириш, уларни тиббий кўрикдан мунтазам ўтказиш, спортга кенг жалб этиш, турли кўрик-танлов, мусобақалар уюштириш, долзарб мавзуларда давра суҳбатлари, семинарлар, учрашувлар ўтказишга қаратмоқдамиз. Қайд этиш жоизки, буларнинг барчаси кутилган натижаларни бераяпти. Чунончи, ўтган йили хотин-қизлар ўртасида спортнинг беш тури бўйича спартакиада уюштирилиб, унда кўплаб аёлларимиз фаол қатнашдилар. Бундан ташқари, ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ташкил этилган "Соғлом аёл — соғлом жамият" хайрия тадбирида тизимда фаолият юритаётган хотин-қизлар бепул тиббий кўрикдан ўтказилди. Касалликлари аниқланган аёлларга шифокорлар зарур тиббий маслаҳатларини бериშди.

Семинарда "Ўзбекистон темир йўллари" ДАТК томонидан келгусида хотин-қизлар фаолияти самарадорлигини ошириш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларни ишлаши учун қулай шарт-шароит яратиш борасидаги ҳаракатларни изчил давом эттириш юзасидан ҳам атрофлича фикр алмашилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова иштирок этди.

**Зиёда АШУРОВА.**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мамлакатда 113 спорт иншооти ва сузиш ҳавзаси, 55 болалар мусиқа ва санъат мактаби қурилгани ҳамда фойдаланишга топширилгани, шубҳасиз, алоҳида эътиборга сазовордир.

Мазкур йиғилишда "Соғлом бола йили" деб номланган 2014 йилда ҳам юртимизда бу йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилиши, яъни 115 спорт объекти ҳамда 48 болалар мусиқа ва санъат мактабини қуриш ҳамда реконструкция қилиш, уларни зарур анжом ва ускуналар билан таъминлаш масалаcи устувор вазифа сифатида белгилангани ҳам эътирофга лойиқ.

# Келажакка сармоя

**Ҳиндистон Ижро санъати ва меъёрий фаолиятни ўргатиш уюшмаси (ALPANA) вице-президенти Бижай Кумар Даш** "Мамлакатни дунёга танитадиган соҳалар сирасига кирадиган спорт ва санъатга муҳаббат ёш авлод онгида барвақт шаклланар экан, бу уларнинг баркамол бўлиб вояга етишига ижобий таъсир кўрсатади", дея таъкидлади.

— Шу жиҳатдан олиб қараганда ҳам Ўзбекистон раҳбариятининг оқилона сиёсати таҳсинга лойиқдир, — деди у. — Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан спорт билан бирга, мусиқа ва санъат мактабларига катта эътибор қаратилаётгани ўз самарасини беришига шубҳа йўқ. Чунки спорт ёшларни интилишга, ғалаба қозонишга, мардлик ва ҳалолликка ўргатади, санъат эса уларнинг қалбини эзгуликка ундайди, гўзалликка ошно қилади.

Мен Ўзбекистонга борган чоғларимда болалар ва ўсмирлар ўртасидаги турли халқаро мусобақа ҳамда танловларда мураббий ёки кузатувчи сифатида иштирок этганман. Ёш ўзбек спортчилари қўлга киритган ғалабаларга шахсан шоҳид бўлганман. Шу ўринда бадиий гимнастика соҳасида мамлакатингиз эришаётган муваффақиятларни алоҳида таъкидлашни истар эдим.

**«Жаҳон» АА.**
Деҳли

# АКТ ва замонавий хизматлар

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ҳозирги кунда "UZDIGITAL TV" компанияси томонидан мижозларга 3 пакет дастурлари тақдим этилмоқда. Биринчи пакетга 12 телеканал киритилган бўлиб, улар бепул узатилаяпти. Ўтган йилнинг май ойидан бошлаб мазкур пакетга "Қорақалпоғистон" маҳаллий телеканали ҳам қўшилди.

Дарҳақиқат, бугун ҳеч бир соҳани ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Таъбир жоиз бўлса, у ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб улгурди. Шу боис барча жойларда бўлгани каби Оролбўйида ҳам маҳаллий ҳокимликлар, ташкилот ва корхоналарда электрон ҳужжат айланиш тизимини ташкил этиш мақсадида "E-XAT" ҳимояланган электрон почталари ва "E-HUJJAT" электрон ҳужжат айланиш тизимлари жорий этилди.

Айни пайтда Қорақалпоғистон Республикасидаги барча шаҳар ва туман ҳокимликларининг расмий веб-сайтлари, шунингдек, edu.rk.uz доменида жойлашган барча мактаб ва касб-ҳунар коллежларининг портали ишламоқда. У орқали ўқувчиларнинг ота-оналари фарзандлари давомати, дарсларни ўзлаштириш даражаси ва бошқа маълумотларни интернет ҳамда SMS-хабарнома орқали олишлари мумкин.

Шубҳасиз, ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши соҳани юқори малакали мутахассислар билан таъминлашга бевосита боғлиқ. Бу борада Тошкент ахборот технологиялари университети Нукус филиали фаолияти катта аҳамиятга эга. Айни пайтда филиалда 515 нафар талаба 4 йўналиш, 36 магистрант эса бир йўналиш бўйича таҳсил олмоқда. Дарслар самарадорлигини таъминлаш учун барча шарт-шароит яратилган. Илм даргоҳида ўқув ва илмий лабораториялар, 2 та мультимедиа, 5 та компьютер синфи мавжуд. Филиалдаги барча компьютерлар локал ҳамда интернет тармоғига уланган. 2012/2013 ўқув йилида "Ўзбектелеком" АК лойиҳаси бўйича талабалар кредит асосида 200 та "Acer" замонавий "нетбук"лари билан таъминланди. Улардан самарали фойдаланиш учун филиал корпусларида Wi-Fi симсиз тармоғи ташкил этилди.

Қисқача айтганда, юртимизда ахборот технологияларини ривожлантириш, соҳани ижтимоий ҳаётимизга янада кенгроқ татбиқ этиш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқдаки, бу, ҳеч шубҳасиз, техника асри, деб аталаётган бугунги ва эртанги кунда мамлакатимизнинг энг тараққий этган давлатлар қаторидан ўрин олишини таъминлайди.

**Курмангали КОЛАНОВ,**
**Ўзбекистон алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаси бошлиғи.**

# Сифат бошқаруви тизимлари

тадбиркорлар фаолиятини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Кеча пойтахтимизда ушбу дастур доирасида бажарилаётган ишларга бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда палата ва жамият мутасаддилари, Ўзбекистон — Япония маркази мутахассислари, тадбиркорлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Тежамкор ишлаб чиқариш концепцияси Япония Кайдзен менежмент тизимининг бир қисми бўлиб, у ишлаб чиқариш жараёнини, бизнес менежментни ва бошқарувни такомиллаштиришга хизмат қилади.

Албатта, ҳар қандай жамоанинг муваффақияти бу ерда жорий этилган сифат ва бошқарув тизимларига бевосита боғлиқ. Мазкур дастур эса ишлаб чиқариш корхоналарида маҳсулот сифатини яхшилаш, таннархини пасайтириш, меҳнат самарадорлигини кўпайтириш орқали тадбиркорларнинг ички ва ташқи бозорда ўз ўрнини топишига кўмаклашади.

Дастурда, шунингдек, кичик бизнес субъектларининг консалтинг хизматларидан фойдаланиш имкониятларини ошириш, ишбилармонларни тежамкор ишлаб чиқариш тамойилларидан хабардор қилиш каби йўналишлар ҳам қамраб олинган. Шундан келиб чиқиб, ўтган йили мутахассислар республикамизда фаолият юритаётган юзга яқин корхоналарда семинарлар ўтказган бўлсалар, "Deutsche Kabel AG Tashkent", "Nika Pharm", "Decorimex", "Keng Makon" сингари 13 та корхонада дастурнинг ўзи ҳаётга татбиқ қилинди. Бу йил эса улар сафига, асосан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаша ихтисослаштирилган яна тўртта корхона қўшилади.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Мустаҳкам оила ва тарғибот

*Кеча пойтахтимиздаги "Шодлик-Палас" меҳмонхонасида "Оила институтини мустаҳкамлаш масалаларини илгари суришда ОАВ салоҳиятини ошириш" лойиҳаси доирасида давра суҳбати ташкил этилди.*

2014 ЙИЛ — СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ

Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази ҳамда ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда Президентимиз раҳнамолигида болаларнинг соғлом улғайиши, таълим олиши, замонавий касб-ҳунарларни эгаллаши учун зарур барча шарт-шароит яратилгани таъкидланди.

Қайд этилганидек, Ўзбекистонда болалар ҳуқуқларини таъминлаш мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга. БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси мамлакатимиз ратификация қилган дастлабки халқаро ҳужжатлардан биридир. Истиқлол йилларида мазкур соҳага оид ўттиздан ортиқ қонун, шу жумладан, 2008 йилнинг 7 январида "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун, давлатимиз раҳбарининг қатор фармон ҳамда қарорлари, юздан ортиқ бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

— Мазкур лойиҳа туфайли оммавий ахборот воситалари ходимларини юртимизда репродуктив саломатликни янада яхшилаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оила институтини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини ривожлантиришга доир амалга оширилаётган чора-тадбирлардан яқинроқ хабардор бўлишди, — дейди Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди масъул ходими Д. Қаюмова. — Шу вақт ичида лойиҳада 2000 дан зиёд журналистлар қатнашиб, улар учун 80 дан ортиқ ўқув-семинарлар ва давра суҳбатлари ташкил қилинди. Ушбу тадбирларда "Ахборот манбаларини топиш ва улардан тўғри фойдаланиш", "Танланган мавзуларни турли нуқтаи назар ва ёндашувлар билан ёритиш", "Мақолаларни тайёрлашда одоб-ахлоқ меъёрларига ва бошқа касбий жиҳатларга риоя этиш" каби мавзуларда тингланган маърузалар ОАВ вакиллари тажрибасини бойитиши, шубҳасиз.

Давра суҳбатида журналистларнинг касб малакасини оширишга оид бошқа масалалар ҳақида ҳам сўз юритилди.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Кичик корхона ташаббуси

*Бухоро шаҳрида фаолият кўрсатаётган "Бухоро Шер Пласт сервис" масъулияти чекланган жамияти хориждан 378 миллион сўмлик замонавий ускуна харид қилди.*

ИНТИЛИШ

Бу эса корхонада йилига 300 минг погон метр пластик профиль маҳсулотлари ишлаб чиқариш имконини берди. Лойиҳанинг муваффақиятли амалга оширилишида молия муассасаси томонидан ажратилган 290 миллион сўмлик кредит қўл келди.

Қувонарлиси, 2013 йилда вилоятда "Бухоро Шер Пласт сервис" каби 1540 дан зиёд кичик бизнес субъектлари иш бошлагач, тизимдаги корхоналар сони 8724 тага етди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Қисқа сатрларда

● Ўзбекистон Миллий университетида бакалавриат ҳамда магистратура йўналишларининг битирувчи талабалари учун бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди. Тадбир якунида 40 нафар талаба ишга жойлашиш учун йўлланмага эга бўлди.

● **Тошкент ахборот технологиялари университетининг Самарқанд филиалида ёшлар билан учрашув бўлиб ўтди. Вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан ўтказилган тадбирда самарқандлик йигит-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди.**

● "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги ҳамда "Маънавият ва маърифат" маркази ҳамкорлигида шаҳарчадаги ўрта махсус таълим муассасалари ўқувчи-қизлари ўртасида ўтказилган "Соғлом бола — соғлом келажак!" мавзуидаги кўрик-танловда Олмазор тиббиёт коллежи ўқувчиси Ширинхон Анварова 1-ўринни қўлга киритди.

● **Қува туманида замонавий лойиҳа асосида бунёд этилган мусиқа ва санъат мактаби биноси фойдаланишга топширилди. Унга қўшимча тарзда 2100 ўринли концерт зали ҳам барпо этилди. Айтиш жоизки, мазкур санъат кошонасида 151 ўқувчи мусиқа санъатининг фортепьяно, ўзбек халқ чолғулари, анъанавий ижро, зарбли чолғу йўналишлари бўйича машғулотларда қатнашмоқда.**

*«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.*

# ЖАДАЛ РИВОЖЛАНИШ МЕЗОНИ

*Инсон манфаатлари улуғланиб, унинг турмушини янада фаровон қилишга алоҳида эътибор берилган жойда ривожланиш бўлиши, шубҳасиз. Шундан келиб чиқиб, мамлакатимизда хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликда кўплаб замонавий корхоналар ташкил этилаётгани, уларда тайёрланаётган маҳсулот ёки кўрсатилаётган хизматлар сифат жиҳатидан яхшиланиб бораётгани диққатга сазовордир. Жумладан, ўтган йили Андижон вилоятида ҳудудий инвестиция дастурига мувофиқ, 19 та лойиҳа рўёбга чиқарилиши натижасида 656 та иш ўрни яратилди.*

МОДЕРНИЗАЦИЯ

— Жалб этилган сармояларнинг 41,2 миллион АҚШ долларилиги тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир, — дейди Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Шерзодбек Абдужаминов. — Бунинг эвазига ишга туширилган корхоналарда 83,4 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва хизматлар кўрсатилди. Тайёр маҳсулотларнинг 9,4 миллион долларлиги эса хорижлик буюртмачиларга етказиб берилди. Бу борада Андижон ва Хонобод шаҳарлари, Асака, Шаҳрихон ҳамда Андижон туманларида, айниқса, сезиларли самарадорликка эришилди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки кейинги йилларда мазкур ҳудудларда енгил саноат, терини қайта ишлаш, пойабзал, қурилиш материаллари, озиқ-овқат маҳсулотлари, маиший техника воситалари ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани Хитой, АҚШ, Лихтенштейн ва Жанубий Корея давлатлари инвесторларида катта қизиқиш уйғотмоқда.



Андижон туманидаги "Ruber trust & Eva products" Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси — шулардан бири. 400 минг АҚШ доллари миқдоридаги инвестиция ҳисобидан ташкил этилган ушбу корхона энг замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган. Айни пайтда бу ерда меҳнат қилаётган ишчиларнинг барчаси тумандаги касб-ҳунар коллежларини битирган ёш мутахассислардир.

— Қисқа давр ичида салкам 30 турдаги болалар ва катталар пойабзали ишлаб чиқаришни ўзлаштирдик, — дейди қўшма корхона раҳбари Эрназар Турғунов. — Ҳозирги кунда уларни ички бозордан ташқари, чет эллик харидорларга ҳам сотаяпмиз. Бу эса, ўз навбатида, ғайратимизга ғайрат қўшаяпти. Нега деганда, тадбиркорликда бир гап бор: қачонки, маҳсулотингга харидор нақд бўлса, ишингда барака бўлади. Янги марраларни забт этишга интиласан. Эътиборлиси шундаки, юртимизда ишбилармонлик муҳити тобора яхшиланиб, хорижлик тадбиркорлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш учун барча шарт-шароит яратилмоқда. Энг муҳими, бизга зарур бўлган хом ашё ўзимизда мавжуд. Буларнинг бари пировардида фаолиятимизни кенгайтиришда айни муддао бўлаётир.



Дарҳақиқат, бугун Андижонда яратилаётган имконият ва имтиёзлардан унумли фойдаланиб, тараққиёт йўлига чиқиб олаётган ишлаб чиқарувчи субъектлар талайгина. "Дельтатекс", "Пиппласт", "Техноинноватор", "Эверест стройметалл фаворит" корхоналарини шулар сирасига киритиш мумкин. Жорий йилги ҳудудий инвестиция дастурига яна 30 дан ортиқ лойиҳа киритилганини инобатга олсак, уларнинг сафи бундан-да кенгайиши муқаррар.

**Саидаҳмад ШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Муаллиф олган суратлар.

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*Япониянинг "Toyota Motor" корпорацияси 2017 йили Австралия ҳудудида автомобиль ишлаб чиқаришни тўхтатади.*

## Даромад кутилганидек эмас

Бунга ҳозир мазкур мамлакатда маҳсулот тайёрлаш таннархи жуда қимматлиги, қолаверса, Австралия долларининг қадрсизлиги боис экспортдан кутилганидек фойда олинмаётгани асосий сабаб қилиб кўрсатилмоқда.

"Toyota Motor"дан аввалроқ "Ford" компанияси 2016 йил, "General Motors" эса 2017 йилда Австралияда ишлаб чиқаришни тўхташи ҳақида маълум қилганди.

## Фавқулодда ҳолат

*Кучли қор бўронлари боис АҚШнинг олтита штатида фавқулодда ҳолат эълон қилинди.*

Бундан ташқари, Шимолий Каролина ва Жоржиядаги мактаблар вақтинча ёпилди. Баъзи давлат муассасаларида иш вақти қисқартирилган. Биргина 11 февраль куни 1150 та парвоз бекор қилинган бўлса, кеча яна жадвалдаги 1000 га яқин рейс амалга оширилмади.

Метеорологлар яқин кунлар ичида мамлакатнинг жануби-шарқий ва шимоли-шарқий ҳудудларидаги ўн олтита штатда кучли қор бўронлари кузатилишини билдирган. Соҳа мутахассисларнинг билдиришича, АҚШда бундай кўп миқдорда қор ёғиши қарийб 20 йил ичида қайд этилмаган экан.

Ноқулай об-ҳаво шароити туфайли юз берган йўл транспорти ҳодисалари оқибатида тўрт киши ҳаётдан кўз юмган.



## Ҳисобот ходимларга таъсир қилди

*Буюк Британиянинг "Barclays" банки 12 минг нафар ходими билан тузилган меҳнат шартномаларини бекор қилади.*




Бу ҳақда мазкур молия муассасаси раҳбари Энтони Женкинс ўтган йил якунлари бўйича тайёрланган ҳисоботдан сўнг айтиб ўтди. Чунки поёнига етган йилда ушбу банкнинг кўрсаткичлари анча тушиб кетган. Масалан, олинган даромад ҳажми 2012 йилдагига нисбатан 2,5 миллиард фунт-стерлингга камайган.

"Barclays"даги қисқартириш рўйхатига 220 нафар директор ва 600 нафар топ-менежер ҳам киритилган. Жами иш ўринларининг етти мингтаси банкнинг Буюк Британиядаги бўлимларида амалга оширилади.

## Жиноятчиларга қарши амалиёт

*Италия полицияси ва АҚШ махсус хизмати гиёҳвандлик моддалари ҳамда қурол-яроғ савдоси билан шуғулланиб келган жиноий тўдага қарши кенг қамровли амалиёт ўтказди.*

"Евроньюс" телеканали хабарига қараганда, операция чоғида 28 киши қўлга олинган. Улардан саккизтаси АҚШнинг Нью-Йорк, қолганлари эса Италиянинг Калабри шаҳрида ушланган.

Аниқланишича, Италиядаги "Ндрангета" тўдаси аъзолари ҳисобланган бу жиноятчилар Жанубий Америка ва Европага гиёҳвандлик моддалари ҳамда қурол-яроғ етказиб беришга масъул бўлган.

## Парвоз якунига етмади

*Жазоирда ҳарбий-транспорт самолёти ҳалокатга учради.*



Ум-эл-Бауга музофотида рўй берган мазкур фожиа оқибатида 128 киши ҳаётдан кўз юмган. Бир кишининг омон қолгани айтилмоқда. У оғир аҳволда касалхонага жойлаштирилган. Воқеа содир бўлган вақтда лайнер бортида жами қанча одам бўлгани ҳақида ҳозирча аниқ маълумот йўқ.

Мамлакат жанубидаги Таманрассет шаҳридан парвозни амалга оширган самолёт манзилга етиб келишига бир неча ўн метр қолганида фалокатга учраган. У ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзоларини олиб келаётган эди.

Фожиа ноқулай об-ҳаво шароити туфайли юз берганлиги айтилмоқда.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

ФАРМОН ВА ИЖРО

*Дунёда углеводород захиралари тобора камайиб бораётган бугунги кунда энергиянинг қайта тикланувчи манбаларидан самарали фойдаланиш долзарб масалага айланмоқда. Шундан келиб чиқиб, мамлакатимизда кейинги йилларда бу йўналишда кўплаб истиқболли лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Президентимиз томонидан 2013 йилнинг 1 мартида имзоланган "Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борада дастуриламал бўлаётир.*



# ҚУЁШ ПАНЕЛЛАРИ

## қулайлиги, хавфсизлиги ва юксак самарадорлиги билан ажралиб туради

Хусусан, мазкур ҳужжатга мувофиқ, Сурхондарё вилоятидаги кўплаб корхона, ташкилот ва муассасалар ҳам муқобил энергия манбаларидан унумли фойдаланиш имконига эга бўлишмоқда.

— Жамоамизда йигирма олти нафар ҳунарманд ишлайди, биномизга қуёш панели ҳамда иссиқлик радиатори ўрнатилган, — дейди Бойсун туманидаги "Ҳунармандлар маркази" раҳбари Ҳанифа опа Салимова. — Ушбу қурилмалар ёрдамида ҳосил қилинаётган қувватлар 30 га яқин хоналаримизни чароғон этиб турибди. Кашта ва мато ипларини бўяшда ишлатиладиган сув эса иссиқлик радиатори ёрдамида қайнатиб олинаяпти.

Маълумки, электр энергияси таъминотидаги узилишлар, айниқса, тиббиёт муассасалари фаолиятида жиддий муаммоларни келтириб чиқариши табиий. Чунки кўплаб замонавий ташхис ва муолажа ускуналари, дори-дармонлар сақланадиган махсус жавонлар айнан электр қуввати билан ишлашга мослаштирилган. Шу боис кейинги йилларда шифо масканларини қайта тикланувчи муқобил энергия манбалари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Мазкур жараён, энг аввало, чекка ва олис ҳудудлардаги қишлоқ врачлик пунктларидан бошланаётгани диққатга сазовордир.

— Ўтган икки йил давомида Денов туманидаги "Мустақиллик", "Бодиҳаво", Қумқўрғон туманидаги "Хўжамулки", Қизириқ туманидаги "Кунчиқиш" ҳамда Узун туманидаги "Жончекка", Сариосиё туманидаги "Дўстлик" қишлоқ врачлик пунктлари қуёш фотоэлектрик панеллари билан жиҳозланди, — дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бош мутахассиси Зокир Мамараҳимов. — Масалан, Бойсун туманидаги "Чилонзор" ҚВПда аҳоли куннинг исталган пайтида ўз соғлиғини назоратдан ўтказиши мумкин. Нега деганда, қуёш панеллари саломатлик масканларидаги тиббий жиҳозлардан ҳам бемалол фойдаланиш имконини бермоқда. Шу боис, республикамиздаги шундай қурилмалар ишлаб чиқарилаётган корхоналарга буюртмалар бердик.

Таъкидлаш жоизки, мазкур илғор тажриба таълим муассасалари фаолиятида ҳам асқотмоқда. Жумладан, Шўрчи туманидаги 5-умумтаълим мактаби ҳомийлар кўмагида харид қилинган муқобил энергия қурилмаси билан жиҳозлангани натижасида барча синфхоналар ҳамиша ёруғ.

— Келгусида яна кўплаб қишлоқ мактабларига қуёш панеллари ўрнатишни режалаштирганмиз, — дейди вилоят халқ таълими бошқармасининг қурилиш ва таъминот бўлими бошлиғи Ислом Сафаров. — Ушбу ниятимиз амалга ошса, фарзандларимиз мактаблардаги компьютерлардан самарали фойдаланиб, ахборот технологиялари соҳасидаги билимларини мунтазам ошириб боришади. Муҳими, бундай муқобил энергия манбалари экологик жиҳатдан безиёнлиги ва қулайлиги билан барчага манзур бўлмоқда.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Илғор технология шарофати

*Касби туманидаги "Ихлос ҳалол пишлоқ" хусусий корхонасида сутни қайта ишлаш жараёнида ажралиб чиқадиган зардобдан пишлоқ тайёрланаяпти.*

ТАДБИРКОРЛИК

Табиийки, айни пайтга қадар бу хом ашё чиқинди сифатида ташлаб юборилар эди. Эътиборлиси, цехда илғор технологиянинг қўлланилиши ҳисобига қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришга эришилди.

— Сутни ҳудудимиздаги фермер хўжаликларидан қабул қилиб олаяпмиз, — дейди корхона раҳбари Сайдулла Абдуманов. — Маҳсулотларимизга талаб ортиб бораётганини ҳисобга олиб, келгусида уларнинг турини янада кўпайтириш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш чораларини кўраяпмиз.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Эълон

**Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси**

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ БОЖХОНА БОШҚАРМАСИ**

**ўз эҳтиёжи учун 50 дона компьютер, 50 дона UPS, 28 дона принтер ва 5 дона принтер-сканер-нусха кўпайтириш жамланмасини харид қилиш бўйича танлов эълон қилади.**

Таклифлар техник ва тижорат қисмларга ажратилиб рақамланган, тикилиб муҳрланган ҳамда ёпиқ муҳрланган конвертларда устки қисмида танлов номи тўлиқ кўрсатилган ҳолда топширилиши шарт.

Таклифларнинг техник ва тижорат қисмлари конвертлари устки қисмига мос равишда «Техник қисми» ва «Тижорат қисми» сўзлари ёзилган бўлиши шарт.

«Техник қисми» сўзлари ёзилган пакетга техник талаблар бўйича ҳужжатлар жойлаштирилган бўлиши лозим.

«Тижорат қисми» сўзлари ёзилган пакетга тижорат талаблари бўйича ҳужжатлар жойлаштирилиши керак.

Танлов бўйича таклифлар 2014 йил 15 март куни соат 17.00 гача қабул қилинади.

Танлов ҳужжатларини сотиб олиш нархи 50 000 сўмни ташкил этади. Тўлов буюртмачининг ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар тўловни Ўзбекистон Республикаси сўмида, чет эл корхонаси иштирокчилари тўлов кунидаги Марказий банк курси бўйича АҚШ долларида амалга оширади.

Сурхондарё вилояти божхона бошқармаси ҳ/р: 21506000100507518003 (сўм).

Банк: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ХККМ Термиз шаҳар, МФО: 00024, СТИР: 201677719, ОКОНХ: 97200, SWIFT CODE CBUZUZ22.

**Қўшимча маълумот ва танлов ҳужжатларини олиш учун Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, С. Саодат кўчаси, 286-уйга мурожаат қилиш мумкин. Телефон: (8- 376) 225-26-05 (ички 28-71).**

257R/91

**«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ**

***очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

«Capital realtor group» МЧЖда 2014 йил 18 март куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар Олмазор тумани СИБ томонидан қўйилган:

**1.** Фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманлараро судининг 2013 йил 12 июндаги 1-1727/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Чорсу даҳаси, 15-уй, 20-хонадонда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 66,22 кв.м., яшаш майдони 42,63 кв.м. бўлган уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 65 000 000 сўм.***

**2.** Фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманлараро судининг 2013 йил 31 октябрдаги 1-4203/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Каланова кўчаси, 1-уй, 12-хонадонда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 69,12 кв.м., яшаш майдони 38,68 кв.м. бўлган уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 54 479 636,12 сўм.***

**3.** Фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманлараро судининг 2013 йил 14 ноябрь кунги 1-4196/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Олча тор кўчаси, 29-уйда жойлашган, умумий ер майдони 373,60 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 108,41 кв.м. бўлган уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 100 000 000 сўм.***

Чилонзор тумани СИБ томонидан Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 13 июндаги 1-83-2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар аукцион савдосига қўйилмоқда:

**1.** Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Тараққиёт кўчаси, 2-уйнинг биринчи қаватида жойлашган нотуражой.

***Бошланғич баҳоси — 2 440 924 000 сўм.***

**2.** Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Тараққиёт кўчаси, 2-уйнинг иккинчи қаватида жойлашган нотуражой.

***Бошланғич баҳоси — 2 495 967 000 сўм.***

2014 йил 4 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

**I.** Сергели тумани СИБ томонидан Жиноят ишлари бўйича Сергели тумани судининг 2013 йил 7 октябрдаги 1-693-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Қўйлиқ 5-мавзеси, Халқобод маҳалласи, Толариқ канали бўйида жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 107,0 кв.м. бўлган, бир қаватли болалар спорт майдончаси ва савдо шохобчалари.

***Бошланғич баҳоси — 139 320 000 сўм.***

**II.** Юнусобод тумани СИБ томонидан савдога қўйилган:

**1.** Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг 2010 йил 20 апрелдаги 2-040-10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғи Эрам кўчаси, 7-уйда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 557,63 кв.м., икки қаватли ва ертўла биноси бўлган кўчмас мулк.

***Бошланғич баҳоси — 674 653 602 сўм.***

**2.** Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 1 декабрдаги 1-576/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Барака (аввалги Ш. Қозоқбоев) кўчаси, 126-«А» уйда жойлашган, умумий майдони 832 кв.м. бўлган икки қаватли уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 337 682 696 сўм.***

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 18.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй.**
**Телефон: (8-371) 250-19-24.**

*Лицензия: № RR-0017.*

253R/105

**«FARG'ONA MULK MARKAZI» МЧЖ**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Фарғона шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Асака тумани судининг 2012 йил 24 августдаги 579/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Фарғона Ал-ҳоким Муҳандис» МЧЖда сақланаётган гипс тайёрлаш линияси (гипсварочная линия) ускунаси арзонлаштирилган нархда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 353 670 271 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 5 март куни соат 11.00 да ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 3 март куни соат 18.00.

Мулк билан туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Farg'ona mulk markazi» МЧЖнинг Давлат-тижорат Халқ банки Фарғона вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000704943063001, МФО: 00497, СТИР: 302134194.

**Манзил: Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 35-уй.**
**Телефон: (8-373) 244-43-58. www.rmm.uz**

***Гувоҳнома: № 1177.***

252R/138

**БИЛДИРИШ**

«Халқ сўзи» газетасининг 2014 йил 23 январдаги 16-сонида хабар қилинган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 61, 59, 57-уйларда жойлашган савдо дўконларининг аукцион савдоси Шайхонтоҳур тумани суд ижрочилари бўлимининг 2014 йил 6 февралдаги хатига асосан тўхтатилди.

*Лицензия: № RR-0017.*

***«Capital realtor group» МЧЖ маъмурияти.***

256R/105

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Моддий-техника таъминоти бошқармаси**

**танлов эълон қилади.**

Танловда чет эл фирма ва ташкилотлари, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар (етказиб берувчилар), шунингдек, кичик бизнес субъектлари иштирок этишлари мумкин.

***Танлов предмети:***

— аркали мобиль металлодетекторлар;
— факс ва нусха кўчириш аппаратлари, ноутбуклар ва рангли фотопринтерлар;
— нусха кўчириш ва периферия техникалари учун сарфлаш материаллари.

***Танлов таклифларини қабул қилиш муддати — 2014 йил 28 февралга қадар.***

**Танлов шартлари бўйича маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат этиш лозим: Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй. Телефонлар: 8 10 (+99871) 252-30-36, 255-78-24. Факс: 8 10 (+99871) 281-43-73(74). E-mail: umts@mvd.uz**

244R/106

**«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

**1.** Учтепа тумани СИБ томонидан 2013 йил 2 сентябрдаги 4382/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, «Қумовул» ҚФЙ, Намуна маҳалласида жойлашган нотурар бино-иншоот.

***Бошланғич баҳоси — 192 000 000 сўм.***

**2.** Учтепа тумани СИБ томонидан 2012 йил 17 сентябрдаги $423^{39}$/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Чоштепа 9-берк кўчасида жойлашган чойхона.

***Бошланғич баҳоси — 607 415 986 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 27 февраль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Realtor garant business» МЧЖнинг ОАТБ «Asia alliance bank» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204936050001, МФО: 01103, СТИР: 207125885. Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-квартал, 3-уй, 1-хонадон.**
**Телефон: (8-371) 212-89-55.**

*Лицензия: RR-0052.*

«Халқ сўзи» газетасининг 2014 йил 29 январдаги 20-сонида хабар қилинган, Зангиота тумани СИБ томонидан 14477-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2014 йил 28 февраль кунидаги аукцион савдосига қўйилган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Юнусобод» ҚФЙ, К. Сагдуллаев кўчасида жойлашган, бошланғич баҳоси 85 000 000 сўм бўлган кўчмас мулк — иссиқхонанинг аукцион савдоси Зангиота тумани СИБнинг 2014 йил 4 февралдаги К-159/20-сонли хатига асосан тўхтатилди.

255R/51

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппарати жамоаси масъул ходим Фурқат Юсуфжонович Юнусовга падари бузруквори

**ЮСУФЖОН отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# САЙҚАЛ ТОПАЁТГАН ИСТЕЪДОД



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Мактабимизда фортепьяно, торли-камонли, дамли ва зарбли чолғулар, ўзбек халқ чолғулари, анъанавий, эстрада хонандалиги, созандалиги, хореография, театр, тасвирий ҳамда амалий, компьютер графикаси каби йўналишлар бўйича 210 нафар ўқувчи сабоқ олмоқда, — дейди муассаса директори Гулзода Бегбўтаева. — Яқинда ашула ва рақс ансамблини ташкил этдик. Шунингдек, бу ерда дарсдан ташқари, “Ниҳол” эстрада ансамбли ва “Шалола” фольклор-этнографик ансамбли доимий равишда фаолият кўрсатиб, вилоятда ўтадиган турли тадбирларда фаол иштирок этиб келмоқда.

Мактабда хор, эстрада, оркестр, хореография ҳамда алоҳида катта ва кичик концерт заллари мавжуд. Назарий ва амалий машғулотлар энг илғор педагогик технологиялар, ноанъанавий усуллар асосида ҳамда индивидуал тартибда ўтказилаяпти. Бу эса ўқувчиларнинг мусиқа ва санъат сирларини чуқур ўрганишларида муҳим омил бўлмоқда. Натижада улар орасидан янги истеъдод эгалари етишиб чиқиб, турли танловларда совриндорлар сафидан ўрин эгаллашаяпти.

— Икки йилдан буён эстрада йўналиши бўйича таҳсил олаяпман, — дейди Ҳамидулла Турдиқулов. — Мактабимизда яратилган шарт-шароитлар ва устозларимнинг сабоқлари туфайли қисқа вақтда кўп нарсани ўргандим ҳамда бир қатор танловларда иштирок этишга эришдим. Жумладан, ўтган йили май-июнь ойларида ўтказилган “Ягонасан, муқаддас Ватан!”, мусиқа ҳамда санъат мактаблари ўқувчилари ўртасидаги академик ва эстрада хонандалиги республика кўрик-танловларида 2-ўринни эгалладим. Декабрь ойида ўтказилган “Камалак юлдузлари” республика болалар ижодиёти фестивалида эса 4 нафар мактабдошим билан совриндор бўлдим.

Албатта, жаҳон андозалари асосида бунёд этилаётган бу каби маънавият масканларида келажагимизнинг ҳақиқий ворислари таълим-тарбия олмоқдалар ҳамда иқтидор ва истеъдодини камол топтирмоқдалар. Зеро, ёшларнинг юксак маънавиятли шахс бўлиб вояга етишлари барчамизнинг эзгу мақсадларимиздан биридир.

**Улуғбек АДИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

*Сирдарё вилоятидан бир йўла икки шахматчига Халқаро шахмат федерацияси томонидан ФИДЕ устаси унвони берилди.*

# Ҳамюртларимиз ФИДЕ устаси



ХУШХАБАР

Улардан бири Маматқул Хайлаев бўлиб, у нафақат истеъдодли шахматчи, балки тажрибали мураббий сифатида ҳам яхши танилган. Унинг самарали фаолияти ва тўплаган юқори рейтинги ана шундай халқаро эътирофга муносиб кўрилди.

Худди шундай унвонга сазовор бўлган яна бир шахматчи, қизлар ўртасида кўп карра мамлакат чемпиони, Осиё биринчиликлари совриндори, Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳибаси Сарвиноз Қурбонбоевадир. Сарвиноз ўтган йилда ҳам кўплаб ютуқларга эришди. Хусусан, у Ўзбекистон чемпионатининг олий лигаси ҳамда Марказий Осиё кубоги мусобақаларида иккинчи ўринни эгаллади. Жорий йил бошида Деҳлида бўлиб ўтган халқаро турнирнинг аёллар ўртасидаги мусобақаларида ҳам совриндорлар сафидан жой олди.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ИБРАТ

*— Риштон кулоллари довруғи азалдан маълуму машҳур, — дейди шу ерлик моҳир ҳунармандлардан бири Тоҳирбек Ҳайдаров. — Хусусан, бу замин тупроғидан тайёрланган сопол буюмлар Япония, АҚШ, Германия, Франция каби давлатларда ўтказилган халқаро ярмаркаларда ҳам муносиб эътироф этилган.*

# Ҳунармандлар тил ўрганишаяпти

Қолаверса, чет эллик буюртмачилар билан алоқалар кўлами тобора кенгайиб бораяпти. Ана шу ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлаш мақсадида яқинда тумандаги “Кулоллик маркази”да япон тилини ўргатиш курслари ташкил қилинди. Ҳозир бу ерда ўтказилаётган машғулотларда нафақат кулоллар ва уларнинг шогирдлари, балки риштонлик ёшлар ҳам фаол қатнашаяпти.

Яна бир янгилик: қадимий ҳунар эгаларига яқиндан кўмак бериш мақсадида ҳудуддаги 26 гектар майдонда саноат технопарки ташкил этилди. Бугун бу ерда беш юздан зиёд кулол ва ҳунармандлар фаолият кўрсатаяпти. Уларнинг “Ҳунарманд” уюшмаси аъзоси сифатида солиқ имтиёзларидан самарали фойдаланаётгани маҳсулотлар турини кўпайтириш ва таннархини арзонлаштириш имконини бераётир.

Умуман, ўтган йили туманда 17 миллиард сўмлик кулоллик буюмлари тайёрланиб, ички ва ташқи бозорда сотилди.

**Набижон СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Ўзбекистон онкология касалликларининг олдини олиш ва даволаш бўйича етакчи мамлакатлар қаторига киради

*Париждаги “Конгресслар саройи”да Онкологларнинг XXV Халқаро конгресси бўлиб ўтди. Унда Тошкентдаги Республика онкология илмий маркази вакиллари ҳам қатнашди.*

БИЗ ВА ЖАҲОН

Париж анжумани дунёнинг ўнлаб мамлакатларидан келган клиник онкология соҳасининг етакчи олимлари, амалиётчи шифокорлар, мутахассис ва тадқиқотчиларни жамлади. Улар илмий тажриба алмашиш, илмий тадқиқотлар натижалари билан ўртоқлашиш ҳамда саратон касаллигига қарши самарали кураш олиб бориш, унинг диагностикаси ва муолажа амалиётидаги сўнгги ютуқлар ҳақида маълумот олиш имконига эга бўлдилар.

Дунёда онкология касалликлари кўпайишига қарши курашиш, илғор кимёвий даволаш ишланмаларидан фойдаланган ҳолда, унинг олдини олиш ва муолажа қилиш бўйича самарали усулларни ишлаб чиқиш масалалари конгресс кун тартибидаги асосий мавзу бўлди.

Париж форуми халқаро тиббиёт онкология касалликларини даволашнинг сермаҳсул усулларини ишлаб чиқиш борасида тобора илгарилаб бораётганини кўрсатди.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, онкологик касалликлар профилактикаси ва уларнинг муолажаси масалаларига мамлакатимизда ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистонлик олим ва шифокорларнинг халқаро конгрессдаги иштироки нафақат жаҳон илм-фани ютуқлари билан танишиш ҳамда уларни республикамиз онкология жабҳасида қўллаш йўлларини ўзлаштириш, балки дунё илм-фани аҳлига юртимиз мутахассисларининг энг янги ишланмаларини тақдим этиш учун ҳам қулай имконият яратди.

Тадбир чоғида ўзбек олимларининг ўндан ортиқ маърузалари тингланди. Республика онкология илмий маркази мутахассиси З. Олимованинг маърузаси халқаро танлов якунлари бўйича биринчи ўринга лойиқ, деб топилди. Конгресс ташкилий қўмитаси вакиллари қайд этганидек, бундай юксак баҳо онкология касалликларининг олдини олиш ва даволаш бўйича Ўзбекистон дунёнинг етакчи мамлакатлари қаторига кириб бораётганини тасдиқлайди.

**«Жаҳон» АА.**
Париж

Эълон




***Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари диққатига!***

# ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

**маъмурияти 2013/2014 ўқув йилида бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича битирувчиларни ҳамкорлик шартномалари ҳамда буюртмалар асосида иш жойларига тақсимлашга киришганлигини маълум қилади.**

***Битирувчиларга келгусидаги иш жойларини танлаш имкониятини яратиш мақсадида корхона ва ташкилотларнинг уларга бўлган эҳтиёж ҳамда имкониятлари (маош, тураржой таъминоти ва бошқа имтиёзлар) ҳақида институтга талабнома, сўров хати билан мурожаат қилишларини сўраймиз. Жорий йилнинг 27 февралида институтда бўлиб ўтадиган «Битирувчи — 2014» амалий анжуманига битирувчиларимизга эҳтиёжи бўлган барча корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарларини таклиф этамиз.***

**Манзилимиз: 100011, Тошкент ш., Навоий к., 13-уй.**
**Тел.: (8-371) 241-14-52, факс: (8-371) 241-80-00. E-mail: info@taqi.uz**
***(Г — давлат гранти асосида, Ш — шартнома асосида)***

| Т/р | Таълим йўналишлари ва мутахассисликлар номи | 2013/2014 ўқув йили битирувчиларининг сони: жами | г | ш | Қорақалпоғистон Республикаси г | ш | Андижон г | ш | Бухоро г | ш | Жиззах г | ш | Навоий г | ш | Наманган г | ш | Самарқанд г | ш | Сурхондарё г | ш | Сирдарё г | ш | Тошкент г | ш | Фарғона г | ш | Хоразм г | ш | Қашқадарё г | ш | Тошкент ш. г | ш |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | **БАКАЛАВРИАТ** | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 1. | Архитектура | 79 | 25 | 54 | | | 2 | 3 | | 1 | 1 | | | | | | | | 2 | 1 | 3 | 1 | 2 | 4 | | | | | 1 | 2 | 14 | 42 |
| 2. | Ландшафт архитектураси | 25 | 9 | 16 | | 1 | | | | | | | | | | | | 1 | 2 | | | | 1 | 3 | | | 1 | | 1 | | 4 | 11 |
| 3. | Дизайн | 52 | 10 | 42 | | | | | | | | 1 | | | | | | 1 | | 2 | | | 1 | 5 | | 1 | | | | | 9 | 32 |
| 4. | Касб таълими (бино ва иншоотлар қурилиши) | 20 | 10 | 10 | | | | | | | 1 | | | | | | | | 2 | | | | | 6 | | | | | 6 | | 1 | 4 |
| 5. | Бино ва иншоотлар қурилиши | 149 | 39 | 110 | | 4 | 1 | 3 | 1 | 4 | 1 | 2 | 3 | | 1 | 1 | | 1 | 1 | 3 | 1 | 2 | 5 | 21 | | 4 | 2 | 2 | 6 | 12 | 17 | 51 |
| 6. | Гидротехника қурилиши | 45 | 19 | 26 | 1 | | 1 | | | | 1 | | | 1 | | 1 | | | 1 | 2 | | | 5 | 6 | | | | | 4 | 1 | 6 | 15 |
| 7. | Касб таълими (қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш) | 18 | 7 | 11 | | | | | | 1 | | | | | | | 1 | | | | | 1 | 1 | | | 1 | | 1 | 4 | 3 | 1 | 4 |
| 8. | Касб таълими (муҳандислик коммуникациялари қурилиши) | 21 | 9 | 12 | | | | | | | 1 | 3 | | | 1 | | | 1 | 1 | | | | | 3 | | | | | 3 | 2 | 3 | 3 |
| 9. | Геодезия, картография ва кадастр | 57 | 18 | 39 | 1 | 1 | 1 | 1 | | 3 | | | | | 2 | | | 1 | 2 | 2 | 1 | 1 | 3 | 11 | 1 | 1 | 1 | | 2 | 1 | 4 | 17 |
| 10. | Муҳандислик коммуникациялари қурилиши | 48 | 19 | 29 | | 2 | 1 | 1 | | 1 | | | | 1 | | | 1 | | 3 | | | | 3 | 6 | 1 | | 2 | 1 | 4 | 3 | 4 | 14 |
| 11. | Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш | 27 | 9 | 18 | 2 | 2 | | | | 1 | | 2 | 1 | | | | | 1 | 1 | 1 | | | 1 | 2 | | | 1 | 1 | | | 3 | 8 |
| 12. | Касб таълими (шаҳар қурилиши ва хўжалиги) | 23 | 8 | 15 | | | | | | | | | | | | | | | | 3 | | | 2 | 1 | | | | | 3 | 3 | 3 | 8 |
| 13. | Менежмент | 49 | 13 | 36 | | | 1 | 3 | | | | 2 | 2 | 3 | | 1 | | 1 | | 1 | | | | 4 | 1 | | 1 | 2 | 1 | 4 | 7 | 15 |
| 14. | Шаҳар қурилиши ва хўжалиги | 49 | 20 | 29 | | 1 | 1 | | 1 | | | | 1 | | | | 2 | 1 | 1 | 3 | | | 1 | 7 | 1 | | 2 | 2 | 1 | 1 | 9 | 14 |
| 15. | Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш | 56 | 20 | 36 | | 1 | 1 | 1 | 1 | 2 | | 1 | 1 | | | | | | 1 | 1 | | | 1 | 6 | | | 1 | | 4 | 6 | 10 | 18 |
| 16. | Сервис | 47 | 8 | 39 | | | | | | | 1 | | | | | | | | 1 | | | | 2 | 10 | | 1 | | | 2 | 1 | 2 | 27 |
| | **Жами** | **765** | **243** | **522** | **4** | **12** | **9** | **12** | **3** | **13** | **6** | **11** | **8** | **5** | **4** | **3** | **4** | **8** | **18** | **19** | **5** | **5** | **28** | **95** | **4** | **8** | **11** | **9** | **42** | **39** | **97** | **283** |
| | **МАГИСТРАТУРА** | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 1. | Менежмент (қурилиш) | 7 | 1 | 6 | | | | 1 | | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | 4 |
| 2. | Материалшунослик ва материаллар технологияси | 6 | 2 | 4 | | | | | | | | | | 1 | | | | | | | | | | 2 | | | | | | 1 | 2 | |
| 3. | Геодезия ва картография (амалий геодезия) | 4 | 2 | 2 | 1 | | | | | | | | | | | 1 | | | | | | | 1 | | | | | | | | | 1 |
| 4. | Бино ва иншоотлар кадастри | 6 | 2 | 4 | | | | | | | | | | | 1 | | | 1 | | 1 | | | | 1 | | | | | | | 1 | 1 |
| 5. | Бино ва иншоотлар архитектураси | 9 | 4 | 5 | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | 1 | | | | 2 | | | 2 | 2 |
| 6. | Архитектура назарияси ва тарихи, архитектура ёдгорликларини тиклаш | 3 | 2 | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 2 | 1 |
| 7. | Шаҳарсозлик ва қишлоқ аҳоли яшаш жойларини комплекс қуриш | 5 | 2 | 3 | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | | | | | | 1 | | | 1 | | 2 |
| 8. | Ландшафтлар архитектураси | 4 | 2 | 2 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | 1 | | | 1 | | | | | 1 |
| 9. | Бино ва иншоотлар қурилиши (бино ва иншоотларни лойиҳалаш) | 15 | 4 | 11 | | | | | | 1 | 1 | | | | | 1 | | 1 | | | | | 1 | 2 | | | | 1 | | | 2 | 5 |
| 10. | Иссиқлик — газ таъминоти, вентиляция, ҳавони мўътадиллаш ва ҳаво ҳавзасини муҳофаза қилиш | 7 | 2 | 5 | 1 | | | | | | | 1 | | | | 2 | | | | | | | | | | | | | | | 1 | 2 |
| 11. | Қурилиш конструкцияларини лойиҳалаш | 9 | 2 | 7 | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | 1 | | 1 | 6 |
| 12. | Бинолар ва шаҳар ҳудудларини қайта қуриш, тиклаш, ободонлаштириш ва улардан фойдаланиш | 6 | 2 | 4 | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | | | 1 | | | | | | | | 1 | 3 |
| 13. | Сув таъминоти, канализация, сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланиш | 5 | 2 | 3 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | | | 2 | 2 |
| 14. | Қурилиш иқтисодиёти | 8 | 1 | 7 | | | | | | | | | | | | 1 | | | | 2 | | | | | | | | 1 | | | 1 | 3 |
| 15. | Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш | 4 | 1 | 3 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | | | 1 | 2 |
| 16. | Гидротехника иншоотлари | 11 | 2 | 9 | | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | | | 3 | 1 | 5 |
| 17. | Геотехника ва ер ости гидротехника иншоотлари | 5 | 1 | 4 | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | 1 | | | | | | | 1 | | 2 |
| 18. | Кўчмас мулкни баҳолаш ва бошқариш | 12 | 2 | 10 | | | | | | | | | | | | | | | | 2 | | | | 1 | | | | 1 | 1 | | 1 | 6 |
| 19. | Қурилишни ташкил этиш технологияси (бино ва иншоотларни барпо этиш технологияси) | 8 | 2 | 6 | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | | | 1 | | | | | 1 | | 2 | 1 | 2 |
| | **Жами** | **134** | **38** | **96** | **4** | **1** | | **1** | | **2** | **1** | **1** | | **1** | **1** | **7** | **1** | **2** | | **6** | | | **8** | **11** | | | **3** | **6** | **2** | **8** | **18** | **50** |

258R/100

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 269. 140 318 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

· МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.20 1 2 3 4 5